



**ЗАРУБЕЖНЫЕ
IT-СПЕЦИАЛИСТЫ
ОТДАЮТ
ПРЕДПОЧТЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНУ**

5-бет.



**МЕТА
ТАРЖИМА УЧУН
ЯГОНА СУНЬИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ
МОДЕЛИНИ ЯРАТДИ**

6-бет.



**ПОЙТАХТ
ТЕЛЕКОМЧИЛАРИ
ТАҚДИРЛАНДИ**

7-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

27 (1553)-son
8-iyul
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



ШАХРИХОНДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

“Ўзбектелеком” АК томонидан жойларда аҳолини юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада компаниянинг Андижон филиали ва туман телекоммуникациялар боғламалари томонидан ҳам тизимли ишлар бажарилляпти. Хусусан, вилоятнинг Шахрихон туман телекоммуникациялар боғламаси мутахассислари тумандаги “Назармахрам” ва “Янгиҳаёт” МФЙлари аҳолисига юқори тезликдаги интернет тармоғига ула-ниш учун зарурий шароитлар яратиб беришди.

Бунинг учун 2 минг 500 метр оптик толали алоқа кабеллари ётқизи-либ, ҳудудлардаги хонадонларга GPON тех-нологияси асосида интернет ва теле-фония хизматларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилди.



GUDS БИЗНЕС ФОРУМИ:



ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТДА 5-6 ИЮЛ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН - ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ (GUDS) 6-ЙИҒИЛИШИ ДОИРАСИДА БИЗНЕС-ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАНДА ДАВЛАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚўШАЁТГАН ЕТАКЧИ КОМПАНИЯ ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ, ИККИ ДАВЛАТ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ишонч ва эътироф

Келажагимиз бунёдкорлари

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ Ш.МИРЗИЁЕВ “ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида”ги ФАРМОННИ ИМЗОЛАДИ.

Мукофотланганлар орасида ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган IT-Парк ва IT-Парк резидент компаниялари вакиллари ҳам борлиги қувонарлидир.

“Келажак бунёдкори” медали билан қуйидаги ёшлар тақдирландилар:

Ойбек Тўлқинжонович АНВАРОВ

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот техно-логиялари технопарки дирекцияси – IT-Park” масъулияти чекланган жамиятининг Сирдарё вилояти филиали бошлиғи;

Нурулдин Абдуқаҳҳорович ИМИНОХУНОВ “EPAM Systems” компаниясининг Ўзбекистон-даги ваколатхонаси маҳсулотлар менежерси;

Тақдирлаш маросимида мутахассисларнинг мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга қўшаётган улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

Юксак эътироф билан ёшларимизни табриклаймиз!



ХОДИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ДУНЁНИНГ 10та ЭНГ ЙИРИК КОМПАНИЯЛАРИ

(компания)	(ҳодимлар сони)
1 Accenture	624 000
2 Tata CS	506 900
3 IBM	375 300
4 Cognizant	289 500
5 TD Synnex	280 000
6 Capgemini	269 770
7 Infosys	259 620
8 Wipro	200 000
9 HCL Technologies	181 920
10 Dell Technologies	158 000



Манба: IFL Claims Patent Services



Жумадан
жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июн – Ёшлар куни муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда ташкил этилган Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди номидаги павилонларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатлашди. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриклаб, нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ва 3 июл кунлари Нукус шаҳрига ташриф буюрди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, Вазирлар Кенгаши раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказди.

4 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотларда дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 4 июл куни Европа кенгаши Президенти Шарл Мишел билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 июл куни архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор эълон қилинди.



«1» GUDS БИЗНЕС ФОРУМИ:

GERMANYALIK IShBILARMONLAR BILAN AKT SOХASIDAГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ушбу йиғилишнинг асосий мақсади олий ва юқори даражадаги ташрифлар якунлари бўйича “Йўл хариталари”га киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиш ҳолатини муҳокама қилиш, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, бизнесини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш, шунингдек, германиялик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатishга кўмаклашишга қаратилди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқиб, нуфузли делегация билан ташриф буюрган германиялик ҳамкорларни, форумнинг барча қатнашчиларини самимий қутлади.

Шунингдек, Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси бош ижрочи директори Михаэл Хармс, бошқарув аъзоси Манфред Грундке сўзга чиқди.

Бизнес форум доирасида саноат, молия, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бўйича алоҳида шўъба йиғилишлари ва B2B шаклидаги учрашувлар бўлиб ўтди.

Хусусан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов германиялик ишбилармонлар билан учрашув



ўтказди. унда АКТ соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига тааллуқли қатор муҳим масалалар, жумладан, Ўзбекистонда IT соҳасини янада ривожлантириш ва унга кўмаклашиш, мамлакатда IT экспорт ҳажмини ошириш, шунингдек, ВРО марказлари фаолиятини кенгайтириш ва ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, учрашувда мамлакатимиз иқтисодиётига Германиянинг сармоя, тажриба ва инновацион технологияларини жалб қилиш бўйича масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

my.gov.uz

ЙЎҚОТИЛГАН ҲУЖЖАТ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМАНИ БИР КУНДА ОЛИШ МУМКИН

Кутилмаганда энг керакли ҳужжатингиздан айрилиб қолдингиз. Айттайлик, у ёниб ёки чуқур сув ҳавзасига тушиб кетиб, кўз ўнгингизда йўқолди. Уни қайта тиклаш учун эса сизга ҳозирнинг ўзидаёқ ҳужжат йўқолгани тўғрисидаги маълумотнома сув ва ҳаводек зарур...

Бунинг учун нима қилиш керак? Албатта, my.gov.uz имкониятларини ишга солиш лозим.

Мазкур ҳолатда талабгор иккита

хизматдан фойдаланади:

– дастлаб топилмалар, йўқолган буюмлар ва ҳужжатлар бўйича сўров юборади;

– сўнгра йўқолган ашё топилмагани тўғрисидаги маълумотномани олишга ўтса бўлади. Ушбу жараёнда биринчи хизматдаги ариза рақами киритилади.

Хизматлардан биринчиси bepul, иккинчиси эса pullik (13500 сўм)дир.

Агар сиз my.gov.uz фойдаланувчиси бўлсангиз, 10 фоиз чегирмаси бор (12000 сўм).



КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИ МАВҚЕИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШ, УЛАРНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АСОСИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЭКАНИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ШУ ПРИНЦИПДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИГА ДОИМИЙ РАВИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА. УСТАВ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН УЛАРГА КЕНГ ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИЛИШ БОРИЛЯТИ.

Республика кенгаши томонидан навбатдаги амалий ёрдам Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида фаолият юритаётган тармоқ касаба уюшмаси хизматига олинган корхона ва ташкилотларига кўрсатилди.

Дастлаб ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлар фаолияти билан атрофлича танишилди, хат-ҳужжатларни юритилиши таҳлил этилди ҳамда аниқланган камчиликларнинг аксариятини жойида бартараф этишда кўмак берилди. Ҳар бир раисга касаба уюшма аъзолари билан ишлаш, ёшлар ва аёлларга бериладиган қатор қўшимча имтиёзлар юзасидан янада кенг тушунтиришлар берилиб, номенклатура бўйича ҳужжатлар шакллантирилди.


Таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг ўтган даврида “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиали томонидан уч нафар ходимнинг юбилей саналарида 900 минг сўмлик, шундан КУК ҳисобидан 1,500 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар, 12 нафар ишламайдиган пенсионерларга 1,6 млн. сўм, 7та кам таъминланган оилага 4,9 млн. сўмлик, шундан КУК ҳисобидан 1,1 млн. сўмлик моддий ёрдам пуллари берилган.

Шу даврда ишга қабул қилинган ходимлар сони 14 нафар бўлиб, барчаси 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этган. “Ўзбектелеком” АЖ Қорақалпоғистон филиали томонидан эса йил дастури асосида 9 нафар пенсия ёшидаги шахсга иш берувчининг 35461 минг сўмлик, 10 нафар ходимнинг юбилей саналарида 17526 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилган. 21 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтаси 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланишини жорий этишга 19350 минг сўм йўналтирилган. Ишламайдиган олти нафар пенсионерга касаба уюшмаси маблағидан 1650 минг сўмлик, кам таъминланган оила вакиллари билан беш нафарига 2700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган.

РТУМ Хоразм филиали томонидан икки нафар пенсияга кетаётган ходим учун 3270,7 минг сўм миқдордаги қимматбаҳо совғалар, ёш болали бир аёлга 810 минг сўмлик моддий ёрдам пули берилган.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Хоразм филиали томонидан почта куни муносабати билан 27 нафар ишламайдиган пенсионерга 2916 минг

КАСАБАҚЎМЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ



сўм, бир ходимнинг юбилей санасида ҳамда ногиронлиги бўлган бир ходимга касаба уюшмаси маблағидан 540,0 минг сўмдан, 12 нафар кам таъминланган оила вакилларига 4826 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Бундан ташқари, 16 нафар аёлларга иш ҳафтаси 35 соатдан ошмаслиги белгиланиб, бу мақсадларга 3075 минг сўм миқдорда, бир нафар ёш ходимнинг ҳарбий хизматга қақрилиши муносабати билан 5254 минг сўмлик фойсиз ссуда иш берувчининг маблағи ҳисобидан ажратилган.

“Ўзбектелеком” АЖ Хоразм филиалида уч нафар пенсияга кетаётган ходим учун 15919,1 минг сўм миқдордаги қимматбаҳо совғалар, 8 нафарга 16168,1 минг сўмлик (шундан 164 минг сўм касаба уюшмаси маблағидан) моддий ёрдам, тўрт нафар ёш болали аёлларга 1839,1 минг сўм, беш нафар кам таъминланган оила вакилларига касаба уюшмаси маблағидан 6900 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Тўрт нафар талабанин 1487 минг сўмлик шартнома пуллари қисман қоплаб берилган.

Ўрганилган БКУТларда ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича буйруқлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа (низом, шартнома, йўриқнома ва ҳоказо) ҳужжатларни расмийлаштиришда қонунчилик талаблари қўлланилган.

Ходимларни ишга қабул қилишни расмийлаштиришда буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланадиган меҳнат шартномалари тузилган.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишда касаба уюшмасининг ролини олинган.

Ўрганиш жараёнида БКУТларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тушунтириш

ва тавсиялар берилди. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиали раҳбарияти билан 2021 йилда БКУТ Устав талаби ҳамда молиявий-ҳўжалик фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан музокара ўтказилди. ТАТУ Нукус филиали БКУТ раисига устама бериш, иш режа ва смета асосида фаолиятни олиб бориш борасида келишилди. Аниқланган аксарият камчиликлар жойида бартараф этилди. Айримларига тегишли муддат берилди.

“Ўзбектелеком” АЖ Қорақалпоғистон филиали иш берувчиси билан учрашилди, КУК учун алоҳида хона ва уни жиҳозлаш борасида таклиф киритилди. Шунингдек, маънавий хонасини ташкил этиш, жиҳозлаш юзасидан таклиф киритилди. Раҳбарият барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда камчиликлар бартараф этилишини билдирди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қорақалпоғистон филиалидаги мавжуд қарздорликни бартараф этиш борасида жадвал ишлаб чиқилди. Босқичма-босқич бартараф этишга келишиб олинди. Қўмита томонидан чиқарилган қарорлардаги хато ва камчиликлар бартараф этилди. Намунавий шакллари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, ўрганиш даврида Нукус ахборот технологиялари техникуми раҳбарияти билан музокара олиб борилди. Касаба уюшмаси фаолияти юзасидан тушунтириш берилди. КУК раисига устама белгилаш ҳамда “Касаба уюшмаси тўғрисида”ги қонун асосида иш фаолияти учун вақт ажратиш борасидаги таклиф маъқулланди. Касаба уюшмаси стени ва Жамоа шартномаси қабул қилиш борасида тавсия берилди. Шунингдек, ўқувчилар билан учрашув ўтказилди. Улар томони-

дан амалиёт хоналарини кўرғаз-мали усуналар билан тўлдиришда амалий ёрдам сўралди. Ҳозирда техникумда 400га яқин ўқувчи таҳсил олмақда. Аммо техникумда узоқ худудлардан қатнайдиغان ўқувчилар учун ётоқхона мавжуд эмас. 60га яқин ўқувчи ижарада туриб таҳсил олмақда. 2022-2023 ўқув йилида ўқувчилар сони яна 400га кўпайиши режалаштирилган. Шунга кўра ётоқхонага муҳтож бўладиган ўқувчилар сони ҳам юз нафардан ошади. ТАТУ Нукус филиали ётоқхонасидан жой ажратиш масаласини ижобий ҳал этишда амалий ёрдам сўралди.

Ўрганишлар даврида Хоразм АКМ БКУТ фаолиятига ҳам амалий ёрдам берилди. Ҳужжатларни Устав талаби асосида юритиш, молиявий-ҳўжалик фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тушунтириш ўтказилди.

Шунингдек, 11та шахар ва туман АКМ раҳбарлари билан очик мулоқот ўтказилиб, касаба уюшмасига аъзоллик афзалликлари, касаба уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида тушунчалар берилди. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмасининг Устави билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2021-2023 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувида белгиланган имтиёзлар юзасидан ахборот берилди. Бундан ташқари, аъзолик бадалларини ушлаб қолиш тартиби ҳамда РК 2022 йил учун белгиланган иш режасида кўзда тутилган тадбирлар шақиди батафсил тушунтирилди.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Унинг мамлакатимиз ривожланишида тутган ўрни

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН БУТУН ЎЗ ОЛДИГА ШУНЧАКИ РИВОЖЛАНИШНИ ЭМАС, БАЛКИ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ЭНГ КУЧЛИ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШНИ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН.

Глобаллашув жараёнида мамлакатлар рақобатбардошлигини белгилашда рақамли иқтисодиётнинг ўрни бекиёсдир. Иқтисодиётнинг қайси бир тармоқ ёки соҳасига назар ташламайлик, барчасида рақамли технологияларнинг ўрнини кўра-миз. Мамлакат банк тизимидаги хизматлардан тортиб, давлат хизматлари даражасида ҳам инновацион рақамли технологияларнинг улушини кўришимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқич-ма-босқич ўттиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлигини фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақиллиқни таъминлайди. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4699-қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги айрим ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 409-қарори билан АКТ вазирлиги ҳузурида “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаси ташкил этилди. Марказнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- ҳар томонлама таҳлилий ва амалий тадқиқотлар асосида рақамлаштириш жараёнининг ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини баҳолаш ҳамда келгусида мамлакат иқтисодиётининг рақамли трансформациясини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органлари ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятида рақамли иқтисодиётни кенг жорий этишда юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечимлари бўйича ҳар томонлама асосланган таклифлар тайёрлаш;

- экспертлар ҳамжамияти билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларидаги янги йўналиш ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш орқали кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланганлик даражаси бўйича етакчи мамлакат-

лар тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни давлат органлари, ташкилотлар ва иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- “ақлли” ва бошқа истиқболли технологияларни, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларида катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияларини жорий қилишнинг концептуал ва услубий асосларини шакллантириш;

- рақамли технологияларни жорий этишнинг устувор йўналишлари бўйича илмий-техник ва тадқиқот фаолиятини амалга оширишга асосланган электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш.

Умуман олганда, Рақамли иқтисодиёт – рақамли технологияларга асосланган электрон бизнес ва электрон тижорат билан чамбарчас боғлиқ иқтисодий фаолият ҳамда шу фаолият натижасида ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган рақамли товарлар, хизматлар йиғиндиси.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ (DIGITAL ECONOMY) ДЕГАНДА, РАҚАМЛИ КОММУНИКАЦИЯЛАР, ИТ ЁРДАМИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЁТ ТУШУНИЛАДИ.

Баъзилар рақамли иқтисодиёт нега керак ва у нима беради, деб ўйлаш мумкин. Рақамли иқтисодиёт деганда, фақатгина Блокчейн (Blockchain) технологиясини ва улардан халқаро молия бозорларида фойдаланиш масалаларини ёки криптовалюталарни тушуниш керак эмас. Албатта, Блокчейн технологияси, криптовалюталар ҳам рақамли иқтисодиётнинг бир бўлаги. Лекин рақамли иқтисодиёт (Digital Economy) деганда, рақамли коммуникациялар, ИТ ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. Бунда, яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки биринчидан, барча операциялар электрон рўйхатдан ўтилишига, иккинчидан, шаффоф бўлишига эришилади. Колаверса, ишлаб чиқаришда янги ИТ технологиялар қўлланилиши туфайли маҳсулот ва



хизматларнинг таннархи пасаяди. Мамлакатимизда мавжуд вазирлик ва идораларда раҳбарнинг айнан рақамлаштириш йўналишидаги ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинганлиги ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланишининг бир омилidir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 2 ҳамда ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш назарда тутилган.

Рақамли технологияларни кенг жорий этиш давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожланишига хизмат қилиши қаторида одамлар турмушини кескин яхшилаши мумкинлигини барча соҳа вакиллари яхши тушуниб етмоқда. Рақамли иқтисодиёт қуйидаги имкониятларни яратади:

- меҳнат унумдорлигини оширади;
- корхоналар рақобатбардошлигини оширади;
- ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради;
- янги соҳаларда янги иш жойлари яратилади;
- янги бизнес турлари пайдо бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-6079-сонли қарори доирасида 2020-2022 йилларда ҳудудларни рақамлаштириш дастурлари тасдиқланди. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барқарорлигини таъминлаш, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда миллий иқтисодиётни жадал суръатларда рақамлаштириш учун қуйидаги ишларни бажариш лозимлиги кўрсатиб ўтилган:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш;

- миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини модернизациялашда имкон қадар энг сўнгги

рақамли технологияларни жорий этиш;

- энг сўнгги рақамли технологияларга асосланган коммуникацион воситалар, машина ва ускуналарни сотиб олиш, ўрнатиш ва маҳаллий кадрларнинг уларда ишлаш малакаларини ошириш;
- мактабгача таълим тизимидан бошлаб, то олий таълимдан кейинги таълим тизимигача рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига оид миллий кўрсаткичлар тизими таркибига истиқболда кўшимча қуйидаги халқаро институт ва ташкилотларнинг индексларини киритиш ҳам унинг янада нуфузли бўлишини таъминлайди, ҳам қамров чегарасини кенгайтиришга хизмат қилади:

- телекоммуникация инфраструктура индекси (Telecommunication Infrastructure Index – TII);
- интернеттармоқ тайёрлиги индекси (Networked Readiness Index (NRI) – The World Economic Forum);
- билимлар иқтисодиёти индекси (Knowledge Economy Index, KEI – European Bank for Reconstruction and Development, EBRD);
- глобал ўзаро алоқа тармоқ индекси. Huawei ёки глобал улашиш индекси (Global Connectivity Index – GCI);
- иқтисодиётни рақамлаштириш индекси (Boston Consulting Group (eIntensity));

- рақамли эволюция индекси (Digital Evolution Index – DEI – Mastercard ва Тафтса университетининг Флетчер номидаги ҳуқуқ ва дипломатия мактаби);

- рақамлаштириш имкониятлари индекси (Digital opportunity index, DOI),

- халқаро Телекоммуникация Иттифоқи (ITU) ва бошқа индикаторлар.

Ушбу халқаро институтлар ва ташкилотларнинг индекслари “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаси мутахассислари томонидан ўрганилган ҳолда мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш юзасидан асосланган таклифлар тайёрланмоқда.

Владимир КРАВЧЕНКО,
“Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаси директори

ЗАРУБЕЖНЫЕ ИТ-СПЕЦИАЛИСТЫ ОТДАЮТ ПРЕДПОЧТЕНИЕ УЗБЕКИСТАНУ



На днях американский финансово-экономический журнал Forbes опубликовал статью об обстановке в информационно-технологическом секторе Узбекистана, провёл беседу с представителями сферы и предоставил аналитические данные по текущему вопросу.

Узбекистан, расположенный в самом сердце Средней Азии и не имеющий выхода к открытому морю, но при этом считающийся одним из крупнейших сухопутных государств в мире – в последнее время стал местом стечения многих зарубежных специалистов, среди которых основным контингентом являются жители России и Беларуси.

В стране прилагаются большие усилия для того, чтобы сделать её привлекательной для зарубежных ИТ-компаний и специалистов, привлечь как можно больше молодёжи и женщин в эту сферу. Впрочем, что делает страну привлекательной и какими преимуществами она обладает для зарубежных айтишников рассказал Forbes министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов:

«Узбекистан обладает ценным активом в виде человеческого капитала. В числе важных преимуществ также можно отметить стимулы для ИТ-бизнеса. В частности, резидентам IT-Park предоставляются налоговые и таможенные льготы до 2028 года».

Также им было отмечено, что в последние годы реализовываются государственные проекты English Speaking Nation и IT Nation направленные на повышение уровня знаний у выпускников английского языка, с целью их трудоустройства в ИТ-сфере.

По словам министра, с начала событий на Украине, в Ташкент прибыли около 6000 айтишников из России и Беларуси. Например, такие крупные ИТ-компании как EPAM Systems и Exadel релоцировали своих сотрудников в Ташкент. Если в 2021 году в EPAM количество сотрудников насчитывало около 300 человек в Узбекистане, то в текущем году компания намерена довести этот показатель до 3000 человек.

Одна из основных целей Узбекистана к 2028 году, заключается в достижении годового экспорта ИТ-услуг в размере 1 миллиарда долларов США, что позволит стране стать ключевой опорой в активизации усилий направленных на сокращении бедности.

УНИВЕРСИТЕТ ИНХА В ТАШКЕНТЕ ПОСЕТИЛИ ПРЕДСТАВИТЕЛИ INCHON METROPOLITAN CITY



6 июля Университет ИНХА в Ташкенте посетил Чанджун Мён руководитель отдела международного сотрудничества Incheon Metropolitan City.

В рамках встречи ректор Университета ИНХА в Ташкенте Музаффар Джалалов рассказал об условиях созданных для студентов и профессорско-преподавательского состава в университете.

Стороны выразили заинтересованность в дальнейшем сотрудничестве.

TESLA НАЧАЛА ПРИНИМАТЬ ЖЕСТКИЕ МЕРЫ В ОТНОШЕНИИ СВОИХ РАБОТНИКОВ

Tesla начала отслеживать, как часто сотрудники используют свои пропуски для входа в офис. Тем, кто долго не появлялся на рабочем месте, компания присылает автоматическое уведомление и требует объяснительных.

Люди, посетившие завод Tesla в городе Фримонт, жалуются на нехватку парковочных мест, отсутствие рабочих столов и слабый Wi-Fi.

Сотрудник Tesla опубликовал скриншот такого письма на сайте Blind, где технические специалисты могут анонимно высказываться о коллегах. Платформа проверяет личность пользователей через электронную почту их компании.

В июне глава Tesla Илон Макс запретил сотрудникам работать удалённо. Все, кто хочет работать дистанционно, должны находиться в офисе «как минимум» 40 часов в неделю. Те, кто против, должны покинуть компанию.



МОГУТ ЛИ СЕТИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ НАХОДИТЬСЯ В ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ?

Вопрос: могут ли сети телекоммуникаций находиться в частной собственности?

Ответ: в соответствии со статьей 4 Закона Республики Узбекистан «О связи» сети телекоммуникаций в Республике Узбекистан могут находиться в публичной или частной собственности.

Все собственники сетей телекоммуникаций имеют равные права и пользуются равной защитой, гарантированной законом.



В УЗБЕКСКОЙ ВИКИПЕДИИ ПОЯВИЛОСЬ 10 ТЫСЯЧ НОВЫХ СТАТЕЙ ЗА ПОЛТОРА МЕСЯЦА

С начала марафона WikiStipendia активных редакторов в онлайн-проекте стало на 40% больше.

Количество статей в Wikipedia на узбекском языке превысило 150 тысяч.

Указанная отметка была пройдена 3 июня. На момент публикации новости онлайн-энциклопедия насчитывает 150 269 статей, из которых почти 10 тыс. были добавлены с момента начала марафона WikiStipendiya.

За первый месяц мероприятия узбекская версия «Википедии» поднялась в рейтинге языков на четыре места — с 62-го на 58-е. Ей удалось обойти версии на латыни, тамильском и тайском языках.

Также она вышла на 9-е место по активности в плане написания статей. Кроме того, число зарегистрированных пользователей с 20 мая выросло на 3,3%. Заметно увеличилось и количество активных редакторов сайта — на 40,98%.

Марафон написания статей WikiStipendiya стартовал в мае и продлится до 12 декабря. Самые активные редакторы Википедии получают стипендию в виде единовременной выплаты:

- за первое место — 50 млн сумов;
- за второе место — 40 млн сумов;
- за третье место — 30 млн сумов;
- за места с 4-го по 8-е — 20 млн сумов;
- за места с 9-го по 18-е — 10 млн сумов.

Участвовать в проекте могут все желающие старше 15 лет. Для этого нужно зарегистрироваться в Telegram-боте марафона @Wikistipendiya_bot.

Разрешается как самостоятельно писать статьи, так и переводить материалы с других языков. Организаторы конкурса будут оценивать работу участников. Ежемесячно WikiStipendiya будет публиковаться рейтинг лучших редакторов.



ХИАОМИ ЯНГИ СМАРТФОНЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИ



Xiaomi компанияси 12S ва 12S Pro смартфонлари сотувга чиқарилишини эълон қилди. Ҳар иккала смартфонга Snapdragon 8 Plus Gen 1 процессори ўрнатилган.

Xiaomi 12S диагонали 6,28 дюймли AMOLED-экранга эга. У 50, 13 ва 5 Мп камералар билан жиҳозланган. Смартфон 8K ўлчамда видеога олиши мумкин. Аккумулятор сиғими 4500 мАс бўлиб, у симли ва симсиз қувватланиш хусусиятига эга.

Xiaomi 12S Pro смартфонига 6,73 дюймли LTPO технологиясида тайёрланган экран ўрнатилган. Унинг асосий камераси 50 Мп бўлиб, яна иккита 50 Мп камерага эга. Аккумулятор сиғими 4600 мАс.

МЕТА ТАРЖИМА УЧУН ЯГОНА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МОДЕЛИНИ ЯРАТДИ

Meta NLLB-200 ягона сунъий интеллект (AI) моделини яратди.

Ушбу сунъий интеллект модели таржима учун мўлжалланган ва 200та тилни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Meta лойиҳанинг манба кодиди очди. Шундай экан, ҳар ким компания фаолияти натижаларидан фойдаланиши мумкин.

Ягона сунъий интеллект модели Meta компаниясининг йирик тадқиқот лойиҳасининг бир қисмидир. Компания ушбу лойиҳадан умидвор. У ўзининг барча йўналишларида: ижтимоий тармоқлардан тортиб виртуал ва тўлдирилган реаллик технологияларигача жиддий урғу беради. Ушбу восита ёрдамида компания нафақат ўз фойдаланувчиларини яхшироқ тушуниши мумкин (мақсадли рекламанинг муҳим атрибути), балки AR/VR лойиҳалари сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлади.



Лойиҳа кўпчилик замонавий таржима воситаларида қўллаб-қувватланмайдиган кам маълум тилларга қаратилган. Шундай қилиб, 55та Африка тили бўйича иш олиб борилди, бу "юқори сифатли натижалар" берди.

Бундан ташқари, Meta ушбу лойиҳадан ўз ишларида фойдалана-

надиган нотижорат ташкилотлари учун грант дастури бошланганини эълон қилди. Дастурнинг умумий бюджети 200 000 долларни ташкил этди.

У ЁРДАМИДА СМАРТФОНИНГИЗ ЁНИНГИЗДА БЎЛМАГАНДА ҲАМ ВИДЕО ҚЎНҒИРОҚЛАРГА ЖАВОБ БЕРА ОЛАСИЗ...



MTC компанияси PIME 5G Glass AR кўзойнақларини тақдим этди. У видео йўриқномалар, хариталар, 3D моделлар, навигация маълумотларини кўрсатади ва мобил қурилмангиз ёнингда бўлмаган вақтда ҳам видео қўнғироқларни осонгина амалга оширишингизга имкон беради.

Қурилмадан фойдаланиш корхоналарда ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш ва маҳсулотларни йиғишдаги нуқсонлар сонини 80 фоизга қисқартиришга ёрдам беради.

Қурилма 5G ва LTE тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлайди, шу боис ҳам кўзойнақ бошқа ана-

логларига қараганда бир мунча арзонроқ. Кўзойнақнинг ишчи прототиби максимал конфигурацияда 384г, минималда эса 52г.

MSI ТАҚДИМ ЭТАДИ: КИЧИК РАМКАЛИ "ҲАММАСИ БИРДА" КОМПЬЮТЕРЛАРИ!



MSI компанияси Intel Alder Lake-Рдан Intel Core i7-1260Pгача бўлган процессорлар билан жиҳозланган янгича турдаги "ҳаммаси бирда" компьютерларини тақдим этди.

MSIнинг Modern AM272 12M ва Modern AM272P 12M моделлари кичик уч томонламали рамка билан бириктирилган 27 дюймли FullHD экран, Windows Hello веб-камераси ва биометрик асосли Tobii Aware дастурига эга.

MSIнинг янги моноблок компьютерлари M.2 ва 2,5 дюймли қаттиқ диск ва 64 ГБгача DDR4 2666/3200 оператив хотирани қўллаб-қувватлайдиган иккита SO-DIMM қўтичасига эга.

Компьютерларнинг нархи ва сотувга чиқарилиш санаси ҳали эълон қилинмаган.

Халқаро ҳаёт

ХИТОЙЛИК ЭКСПЕРТ ЯДРО УРУШИ ХАВФИ ҲАҚИДА ОГОҲЛАНТИРДИ



Украинадаги можаро Европада ядро урушига олиб келиши мумкин. Бу фикрни Global Times нашрига берган интервюсида хитойлик ҳарбий эксперт Сун Чжунпин билдирди. Унинг сўзларига кўра, Украина инқирози кучайса, Европа давлатлари ўз хоҳишларига қарши можарога тортилиши мумкин.

"Агар можаро давом этса, бу Россия ва НАТО ўртасида қарама-қаршиликка сабаб бўлади. Бундай ҳолда, Европада ядро урушини инкор этиб бўлмайти", дейди у.

ОЛИМЛАР ЯНГИ ВА ХАВФЛИ "ОЗОН ТУЙНУГИ"НИ ТОПДИЛАР



Канадалик олимлар Ер атмосферасида Антарктикадагидан етти марта каттароқ озон туйнугини аниқладилар. Бу ҳақда MITга нашри хабар берди. Шу билан бирга, Ернинг

озон қатламида аниқланган тешик тропик минтақада жойлашган бўлиб, бу сайёра экотизимига анча салбий таъсир кўрсатиши маълум қилинган.

"Озон қатламининг емирилиши ултрабинафша нурланиш даражасининг ошишига олиб келиши мумкин. Бу эса одамларда тери саратони ва катаракта хавфини оширади, шунингдек, инсон иммунитетини заифлаштиради, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини пасайтиради. Сезгир сув организмлари ва экотизимларга салбий таъсир кўрсатади", - дейди тадқиқот муаллифларидан бири олим Тсин-Бинг Лу.

Озон туйнуги даставвал, 1985 йил Антарктида устида, кейинроқ Австралия томон силижиётгани, 1992 йил эса Арктика устида кузатишган.

Энг даҳшатлиси, бундан 20 йиллар муқаддам Шимолий кутб тепасида озон қатламидаги туйнук ҳажми рекорд даражага - 26 млн. кв. км.га етганлиги аниқланди. Буни бемалол Африка қитъаси худудига тенглаштирсан бўлади. Бу, ўз навбатида, экология муҳофазасига ҳар қачонгидан кўпроқ ва жиддийроқ эътибор қаратиш ҳозирги даврда ғоят муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

БУЮК БРИТАНИЯДА БИРДАНИГА ОЛТИТА ВАЗИР ИСТЕЪФО БЕРДИ

Олти британиялик вазиr зудлик билан истеъфога чиқди ва бош вазиr Борис Жонсондан ҳам ўз лавозимини тарк этишни сўради, деб ёзади The Guardian. Жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги, жамоалар вазири Майкл Гове кетишини эълон қилди, у Жонсонни кетишга чақирган.

Британия молия хизматлари котиби Жон Глен ҳам ҳукумат Врехтдан кейин молия секторини "қайта ишга тушириш" бўйича қонун лойиҳасини тақдим этишидан бир неча кун олдин истеъфога чиқди, деб хабар бермоқда Reuters.



Шунингдек, мактаблар бўйича масъул Робин Уокер, Болалар ва оилалар бўйича вазиr Уилл Квинс, Бош прокурор Виктория Аткинс ҳамда Агроинновациялар ва иқлим ўзгаришига мослашиш вазири Жо Черчилл истеъфога чиқди. Бундан ташқари, Рейчел Маклин "қадриятлар, тамойиллар ва ҳалоллик биринчи ўринда туришини" айтиб, Қўриқлаш вазири лавозимини тарк этмоқда.

Аввалроқ молия ва соғлиқни сақлаш вазиrлари Риши Сунак ва Саждид Жавид истеъфога чиққан эди. Улардан кейин Буюк Британиянинг Марокаш бўйича савдо вакили Эндрю Моррисон, Буюк Британия Консерватив партияси раисининг ёшлар бўйича ўринбосари Бим Афолами ва парламентнинг яна уч нафар хусусий котиблари кетиш аризасини ёзган.

ПОКИСТОНДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ БЎЛДИ

Покистоннинг Шимолий Вазиристон округида террорчи-худкуш ўзини портлатиши оқибатида хавфсизлик кучларининг камида 10 нафар аскарлари жараҳат олгани айтилмоқда.

Маҳаллий нашрларнинг хабарига кўра, портлаш Мирали шахрида содир бўлган. Худкуш махсус тайёрланган ҳарбий хизматчилар жойлашган автоколонна ёнида портловчи моддани ишга туширган.



Бир ой футзал билан



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2022 йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режада белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида, АКТ соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ходимларидан тuzилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича кўчма Кубок учун республика мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказилишини таъминлаш юзасидан Ташкилий қўмита қарори жойларга етказилган.

Қарорга асосан жорий йилнинг 6-29 июн кунлари Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида спортнинг футзал тури бўйича соҳа кўчма кубоги мусобақаларининг Саралаш ва Ўтиш босқичлари ўтказилди. Қарийб бир ой давом этган мусобақаларда 24 жамоа (240 нафар ходим) иштирок этиб, муносиб ўйин кўрсатишди.

Республика босқичига йўланма берувчи Тошкент шаҳар Саралаш мусобақасида 8та жамоа иштирок этди. Мусобақа натижасига кўра, "Ўзбектелеком" АКнинг



"UZTELECOM", "UZMOBILE" ва "TSHTT" филиаллари жамоалари республика-финал босқичида қатнашиш йўлланмаларига эга бўлди.

16та жамоа иштирок этган Ўтиш мусобақаси финалига эса Махсус авария-тиклаш босқичи ва "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг "UZPOST" жамоалари етиб келишди. Мурсасиз ва шиддатли вазиятларга бой бўлган финал учрашувида МАТБ жамоасининг қўли баланд келиб, мусобақа чемпионига айланди. "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутиация

маркази" филиали ва "Aloqabank -2" жамоалари мос равишда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

Футбол ихлосмандлари учун одатда бир ҳафта бўладиган спорт байрами буй йил қарийб бир ой давом этди. Бу форматнинг ўзига яраша қулайликлари кўп, албатта. Биринчидан, иштирокчилар-у мухлислар футбол нафасидан кўпроқ баҳраманд бўлдилар. Иккинчидан, жамоаларда турлар орасида ўтказилган ўйинларни муҳокама қилиш, хатолар устида ишлаш ва камида бир маро-

таба машғулот ўтказиш имконияти туғилди. Учунчидан, келгуси турга-ча футболчиларнинг физик ҳолатини тиклашга вақт бўлди. Шу боис бу йилги мусобақалар кўтаринки руҳ ва савияда ўтди.

Ўтиш мусобақаси ҳам ҳар йилгидек қизгин баҳслар, шиддатли ўйинларга бой бўлди. Мусобақа аввалида тахмин қилинган барча жамоалар ярим финал босқичига қадар етиб келишди. Шу билан бирга, ракибларига "бош оғриқ" бўлган IT-Парк жамоаси ҳам яхши натижа қайд этди.

МАТБ ва UZPOST жамоалари Саралаш босқичига йўлланма олган бўлса, аксинча, TSHTT-2 ва ALSKOM жамоалари Ўтиш мусобақаларига йўл олишди.

Алоқа соҳаси кўчма кубоги мусобақасининг республика-финал босқичи жорий йилнинг ноябр ойида ўтказилиши режалаштирилган. Финал босқичида "UZTELECOM", "UZMOBILE", "TSHTT" филиаллари ҳамда соҳа ходимларидан ташкил топган вилоят терма жамоалари иштирок этади.

Юнус ГАПУРОВ,
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

"Ўзбектелеком" АК филиаллари ва улар тасарруфидаги боғламалар ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақаларини ўтказиб бориш кенг йўлга қўйилган. Ана шундай мусобақаларнинг навбатдагиси "Ёшлар куни" ҳафталиги доирасида компаниянинг Тошкентдаги филиаллари ёш ходимлари ўртасида ташкил этилди.

Пойтахт телекомчилари тақдирланди



Компания касаба уюшмаси қўмитаси раиси Бахтиёр Жўраев бошчилигида бўлиб ўтган мусобақаларда ёшлар спортнинг стол тенниси, бадминтон, шахмат-шашка ва мини-футбол турлари бўйича беллашдилар. Яқинда мазкур мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида "Ўзбектелеком" АК Бош директори Назиржон Ҳасанов сўзга чиқиб, ёшларни қўлга киритган натижалари билан самимий кутлади. Шунингдек, компания тизимида ёшларга қаратилётган эътибор ва уларга берилётган имкониятлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишини айтиб ўтди. Айниқса, бугунги кунда компанияда фаолият юритаётган 17500 нафардан зиёд ходимларнинг 28 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши ҳам ушбу фикрларни тасдиқлашини алоҳида таъкидлади.

Мазкур мусобақаларда стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида 1-ўринни "Харидларни

бошқариш маркази" филиали ходими Ойбек Солиев ва аёллар ўртасида "Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази" филиали ходими Сарвиноз Бурхонова эгаллади. Шахмат бўйича 1-ўрин СваХКМ филиали ходими Фарҳод Тоҳиров ҳамда ХБМ филиали ходими Шоҳиста Ходживевага насиб этди. Шашка бўйича эркаклар ўртасида 1-ўринни СваХКМ филиали ходими Жавоҳир Ҳамидуллаев, аёллар ўртасида эса "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали ходими Карима Шақасимова қўлга киритди. Бадминтон беллашувида 1-ўринни "Телеком Дата" филиали ходими Малика Ақромова эгаллади. Мини-футболда эса "Телеком Дата" филиали жамоаси ғолиб бўлди.

Барча ғолибларга компания раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Солижон ЗОИРОВ,
"Xabar" мухбири



ҒОЛИБ ВИЛОЯТДА БЕЛЛАШАДИ

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали ва унинг таркибидаги туман почта алоқаси боғламалари ишчи-ходимлари иштирокида мини-футбол бўйича яқунги саралаш ўйинлари ўтказилди.

Қура ташлаш орқали жамоалар ўртасидаги беллашувлар қизгин ва мурсасиз кечди. Янги Миришқор ва Косон туман почта алоқаси боғламаси жамоалари пешқадамлар сафида бўлди. Натижаларга кўра, 1-ўрин "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали жамоасига насиб этган бўлса, 2-ўринни Янги-Миришқор почта алоқаси боғламаси жамоаси қўлга киритишди ҳамда ўз-ўзидан Косон почта алоқаси боғламасига 3-ўрин насиб этди.

Мусобақа иштирокчиларининг ҳар бирига "Ўзбекистон почтаси" АЖ филиал ҳамда филиал касаба уюшмаси қўмитасининг Ташақкурномаси тантанали топширилди.

Ғолиб жамоа мусобақанинг соҳа корхоналари ўртасидаги ўтказиладиган вилоят босқичига тайёргарликни бошлаб юборди.

Шукрулло ЖАЛИЛОВ,
"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси

БАХТ ВА САОДАТ ФАСЛИ



УМР БАҲОРИ – ЁШЛИК! БАХТ ВА САОДАТ ФАСЛИ. БУ ЎТ-ОЛОВ ФАСЛНИНГ СОҒЛОМ ВА МАСРУР ДАМЛАРИ ШУНЧАЛАР КўПКИ, САНАЙ-САНАЙ АДОҒИГА ЕТОЛМАЙСИЗ. АЙНИ ПАЙТДА ЮМУШЛАРИ, КЕЧИКТИРИБ БўЛМАС ВАЗИФАЛАРИ ҲАМ СОН-САНОҚСИЗ. ИЛМ ОЛИШ, ҲУНАР ЭҒАЛЛАШ, ЖАМИЯТДА ўРИН ТОПИШ, ҲУСНИ ХУЛҚНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ, ОДАМЛАРГА СЕВИМЛИ БўЛА ОЛИШ, БИР УМРЛИК СУЮКЛИ ЁР ТОПИШ ВА ҲОҚАЗОЛАР.

Ўттинчи июн – Ёшлар куни муносабати билан Президентимизнинг ёшларга табриги нафақат уларни, балки ҳар бир ўзбекистонликни, каттаю кичикни қувонтирди. Юртимизнинг эртанги кунига бўлган ишонччи янада мустаҳкамлади. Зотан, ҳур ва озод Ватанимиз истиқболи бугунги баркамол авлодга, уларга яратилаётган имкониятларга боғлиқ. Ана шу мавзуда гап кетганда, филиал раҳбарлари тенгдошлари орасида ўзининг билими, зукколиги, инсоний хислатлари билан танилиб қолган ёшларнинг исм-шарифларини бир-бир тилга олдилар. Жумладан, “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалининг Фурқат телекоммуникациялар боғламасида касбини астойдил сайй-ҳаракатлари, интилишлари билан улуғлаётганлар талайгиналиги айтилди. Ҳумоюн Турғунов, Ахроржон Эрматов, Равшанбек Болиев, Алишержон Қўчқоров, Сардоржон Анорқўзиев ана шулар сирасидан экан. Жамоада қатор ютуқлар қўлга киритилмоқдаки, бунда юқорида тилга олинган азаматларнинг ҳиссаси жуда катта бўлмоқда. Масалан, интернетдан фойдаланувчилар сони 2700 нафардан ошиб кетди. Икки йил муқаддам бу кўрсаткич 400 нафардан сал ошиқроқ эди, ҳолос. 2020 йилда июн ойи даромади 73 млн. сўм, 2021 йил июн ойидаги даромад салкам 177 млн. сўм бўлган. Бу йилги июн ойи даромади 354 млн.

сўмдан ҳам зиёдроқни ташкил этди. Тумандаги 63та МФЙга оптик толали кабел тортилган. Кабел ва модем бўлса, бас – қолган учта маҳалла аҳолиси ҳам интернетдан фойдалана бошлайди.

Бугун сидқидил меҳнати билан обрў топаётган ёшлардан Турғунов Ҳумоюн Азизбек ўғли ҳақида ҳикоя қиламиз. У эндигина 25 баҳорни кўрди. 2019 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг телекоммуникация йўналишини (кундузги) тугатган. Давлат гранти асосида таҳсил олган. Ўша йили Фурқат телекоммуникациялар боғламасида ҳисоб-китоб гуруҳи 1-тоифали алоқа операторлигига ишга қабул қилинган. Фурқат ТБ савдо ва хизмат кўрсатиш офиси менежери вазифасида ишлай бошлаганига ҳам уч йилдан ошди. Шу қисқа муддатда касбга муҳаббатги, талабчанлиги, ишга масъулият билан ёндашиши билан ҳурмат қозонди. Ҳумоюн билан суҳбатимиз мароқли кечди. Саволларимга ҳақиқий зиёлиларга хос жавоблар қилди:

– Биз ҳали ёшмиз-ку. Бошимизни силаб қаторга қўшаётган муҳтарам устозларимизни ҳар қанча ёзсангиз арзийди. Ўқишдаги Усмонали Искандаров, Фозилжон Мамарозиков каби устозларимнинг номлари тилмда, дилимда. Ишда эса Гуломжон Турсунов, Асроржон Норқўзиев,

Асалхон Тоштемировларни азиз ва муқаррам устозларим деб биламан. Улар бизнинг ва соҳамизнинг келажagini ўйлаган оталарча, оналарча меҳрибончилик қилаётган беназир инсонлардир. Боғламамиз бошлиғи устоз Турсунов ўзининг касб эгаллаш машаққатларидан сўзлаб бергани – ўзи катта сабоқ. У замонларда интернет қайда, гуғл қайда! Техник адабиётлари журналларни излаб кутубхоналарга қатнаган, китоб дўконларига чоппа-чоп қилиб силлалари қуриган. Булар бизга бир чўпчакдек эшитилади. Эҳ-ҳе, қанча вақт, қанча маблағ кетган. Тасаввур қилиш мумкин. Улар, шиддатли янгиланишлар даври келди. Фарқи ер билан осмонча. Бу қулайликларнинг қадрига етинлар, ҳар куни эмас, ҳар соат, ҳар дақиқа ўқинг, ўрганинг, дейишади.

Ҳа, устозларимиз тўғри айтишади, бир кун тугул, бир пастда ахборот технологиялари, ускуналару қурилмалар эскириб қоляпти. Яна бир ўғити борки, қулоғимизга қуюб олганмиз. У ҳам бўлса, электромонтёр, электромеханикликни ҳам эгалланг, қаерда қудук, қаерда симёғоч, қайси рақамли шкаф қаерда – ёддан билинг. Энг “қора” саналадиган ишларни машаққатини ҳам бошдан кечириб кўринг, шу ишлар билан машғулларнинг қадру қимматини унутманг... Булар бизнинг истиқболимиз, соҳамиз истиқболи учун қайғуриб айтилган йўл-йўриқлар. Чиндан ҳам энг муҳими касбга севги ва сарбдир. Бахт деганлари ҳавода эсмайди. Менимча, камолотга ҳунарни муқаммал эгаллаб эришадилар. Ва ишхонамиз бахту фароғат манзили деб билсаккина кўзланган мақсадга эришамиз ва умримизнинг навбатдаги фаслларини ёруғ юз билан қаршилашда давом этамиз.

Мавриди келганда айтгим келяпти. Мен иккинчи курслигимдан бошлаб шу боғламамда амалиёт ўтаганман. Етти йилки, бу дароғо мен учун жуда ардоқли, муқаддас. “Ўзбек-телеком” акциядорлик компаниямиз шаъни, обрўи учун курашяпман, муболагага йўйманг. Бу йўлда бор билимимни ишга соляпман. Даст-

лаб иш бошлаган кунимданоқ шуни англадимки, биз, телекомчилар, айниқса, офисда ишловчилар руҳшунос бўлишимиз керак экан. Кейин эшитсам, бир вақтлар устоз Муҳаммаджон ака Ғозиев ҳам, сизлар психолог бўлинглар, деб ўқирган экан. Шундай кунлар келдики, биз ҳам ўзимизда психологик туйғусини қарор топдирдик. Биз мижознинг эшиқдан кириб келиши, қадам ташлаши ва нигоҳиданоқ қандай мурожаат билан келганини оғиз жуфтламасдан сезиб турадиган, сўзда ҳам, ишда ҳам адабга риоя қиладиган бўлдик. Ёзилмаган қондаларимиздан биттаси қуйидагича: Ҳеч ким бу дароғодан норизо бўлиб кетмасин!

Ёш қаҳрамонимнинг жавоб беришидан аёнлашади: у одамларнинг яхшилиқларини, инсоний фазилатларини тез англаши ва қадрлаши билан ҳам ўзгача. Ҳаётда ва ишда қандай қилиб зафар қозониш тўғрисида кўп фикрлайди. Тафаккур қилади. Ўз иқтидори, қобилиятига ишонади, ишга солади. Иккинчи мутахассислик – иқтисодчиликка ўқиш ниятида. Устозларни, ишни қойил бажараётганларни чин дилдан эъзозлайди. Талабчан. У боғлама бошланғич касба уюшмаси раислигини ҳам ўзигагина хос ғайрат-шижоат билан олиб бормоқда. Беқиёс ёшлигини соҳа ривожига бахшида этган фахрийлардан ўз вақтида хабар олиб, совғаларини топшириш ҳамда тенгдошларини спорт мусобақаларига тайёрлаш ишларини ҳам ўта масъулият билан адо этади. Мана бунини ишга садоқат дейдилар. Ҳумоюннинг шахду шиддатига қараб ҳар қандай ғам-ташвишларнинг давоси бу – ЁШЛИК, деган ҳикмат ёдимга тушгани рост.

Яқинда унинг никоҳ тўйи бўлибди. Келин кўшни қиз ўғилой, Фарғона политехника институти талабаси экан. Касбу корда бахт топган Ҳумоюнжонга оилавий, афсонавий бахт ёр бўлсин, дейимиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги муҳбири

		<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p>MANZILIMIZ: 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p>	
<p>MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p>		<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p>		<p>Obuna indeksi — 228.</p>	
<p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>		<p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIVYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIEV.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>		<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>		<p>G-759 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2991</p>	
<p>Viloyat muxbirlari:</p>		<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>		<p>Buxoroda (99) 854-7305</p>	
<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>		<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>		<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	
<p>Nukusda 554-35-45</p>		<p>Samarqandda (91) 557-84-44</p>		<p>Termizda (99) 508-30-52</p>	
<p>Toshkentda 234-18-59</p>		<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>		<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	
<p>Qarshida (93) 931-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p>		<p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>	